

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

УЎК: 338.48(5)

Равшан Воҳидович АБДУЛЛАЕВ

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

ravshan.v.abdullaev@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақола Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида туризм индустриясининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишга бағишланган. Шунингдек, туризмни ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятга молик соҳа экани ҳамда унинг яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари баён этилган.

Калит сўзлар: Жаҳон саёҳат ва туризм Ҳайъати (WTTC), Ялпи ички маҳсулотда туризм ҳиссаси, экотуризм, тиббиёт туризми, когнитив туризм, конгресс туризми, зиёрат туризми, овчилик туризми, таълим туризми, шоптур, қишлоқ туризми.

МЕСТО И РОЛЬ ТУРИЗМА В ЭКОНОМИКЕ МУСУЛЬМАНСКИХ СТРАН БЛИЖНЕГО И СРЕДНЕГО ВОСТОКА

Равшан Вахидович АБДУЛЛАЕВ

Доктор экономических наук, профессор

Международная исламская академия Узбекистана

ravshan.v.abdullaev@gmail.com

Аннотация

Данная статья посвящена анализу нынешнего состояния и тенденций развития индустрии туризма в мусульманских странах Ближнего и Среднего Востока. Также, изложены значение развития туризма в Узбекистане и его прогнозы на ближайшую перспективу.

Ключевые слова: Мировой Совет по путешествиям и туризму (WTTC), доля туризма в ВВП, экотуризм, медтуризм, когнитивный туризм, конгресс-туризм, зиярат (религиозный) туризм, охотничий туризм, образовательный туризм, шоптуры, сельский туризм.

THE PLACE AND ROLE OF TOURISM IN THE ECONOMY OF MUSLIM COUNTRIES IN THE NEAR AND MIDDLE EAST

Ravshan Vakhidovich ABDULLAYEV

Doctor of Economic Sciences, professor

International Islamic Academy of Uzbekistan

ravshan.v.abdullaev@gmail.com

Annotation

This article is devoted to the analysis of the current state and development trends of the tourism industry development in the Muslim countries of the Near and Middle East. In addition, the importance of tourism development in Uzbekistan and its forecasts for the near future are outlined.

Keywords: World Travel and Tourism Council, share of tourism in GDP, ecotourism, medical tourism, cognitive tourism, congress tourism, religious tourism (pilgrimage, ziyarati), hunting tourism, educational tourism, shopping tourism, rural tourism.

Туризм бугунги кунда юзлаб миллион инсонларнинг кундалик турмуш тарзига айланган воқеъликдир. Ушбу соҳа миллий иқтисодиётларга анчагина қиймат келтиришини инобатга олиб, унга нисбатан ҳозирги замоннинг иқтисодий феномени, деб таъриф берилмоқда [3]. Гаага декларациясида таъкидланишича, туризм миллатлар ҳаётида барча соҳаларнинг байналмилаллашуви натижаси ўлароқ инсонлар ва замонавий жамоалар ҳаёт фаолиятида муҳим ҳисобланган шахсий, маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатишнинг асосий воситасига айланди [2].

Туризм индустрияси сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида нисбатан жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан ҳисобланади. Халқаро саёҳат ва туризм Ҳайъати (WTTC) маълумотларига кўра, асримиз бошидан ҳозирги кунга қадар дунё бўйича хорижий туристлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5 фоиздан зиёд бўлса, туризмдан келадиган даромад, яъни валюта тушумлари эса ўртача 14 фоиздан ошиб бормоқда [4]. Жаҳонда туризм аҳамиятининг тобора ортиб бориши, аввало, унинг миллий даромадлардаги улушининг кўпайиши ва бинобарин, иқтисодиётларда устувор аҳамият касб этиши билан изоҳланмоқда.

Республикамизда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади. ”Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий

ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради” [1]. Бундан ташқари, халқаро майдонда когнитив туризм, конгресс туризми, овчилик туризми, таълим туризми, шоптур, қишлоқ туризми жозибадор турлари жадал суръатларда оммалашиб бормоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Шимолий Африка, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфазида жойлашган араб давлатлари ҳамда Туркия, Эрон ва Исроил каби ноараб давлатлардан иборат. Бу ерда Исроилдан бўлак барча давлатлар мусулмон мамлакатлари ҳисобланади. Уларнинг аксарияти нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки туризм нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда жозибадор ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан жозибадорлиги уларнинг аксариятида углеводород қазилма бойликлар захирасининг мавжудлиги бўлса, туристик нуқтаи назардан эса мазкур минтақа мамлакатларининг, деярли, барчаси денгиз соҳилларида жойлашганлиги ва бой тарихий-маданий ёдгорликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Туризм индустриясининг ривожланиши ва ундан келаётган даромадларнинг ортиб бориши мазкур давлатлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, туризм индустриясининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши, янги иш ўринларининг яратилиши, тарихий-маданий ёдгорликларнинг қайта тикланиши ва экологик мувозанатни сақлашга эътиборнинг кучайиши шулар жумласидандир.

Туркия ўзининг бой тарихи, юксак маданияти ва гўзал табиати билан азалдан сайёҳлар эътиборини қозонган мамлакатдир. Зангори денгиз соҳиллари, яшил ўрмонлар, қорли тоғлар, меҳмоннавоз аҳоли ва бетакрор турк таомлари ушбу мамлакатни тавсифловчи хислатлар сирасига киради. Анталия, Алания, Мармарис, Бодрум, Фетхие ва Каш ёзги таътил оммавий

марказларига киради. Истанбул ва Анталия хорижий туристларни қабул қилувчи асосий шаҳарлардан ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатнинг барча туристик имкониятларини янада кенгроқ тарғиб қилишни назарда тутувчи «Турк туристик секторига янгича нигоҳ» лойиҳаси доирасида янгича инновацион дастурлар қўлланмоқда. Шу билан бир қаторда, Туркия бугунги кунда тиббиёт муассасалари, уларнинг савияси ва даволаш сифати бўйича Европада 4-ўринда туради. Хусусан, пластик хирургия, офтальмология, стоматология ва бошқа соҳалар ривожланган. Мамлакатга даволаниш ниятида, хатто, Буюк Британия, Франция, Германия, Бельгия, Голландия, шунингдек, Миср, Ливия ва Сурия каби мамлакатлардан кўплаб мижозлар ташриф буюрмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатлари ичида Туркия мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони ва даромади бўйича пешқадамлик қилиб келмоқда. 2017 йил маълумотларига кўра, дунё бўйича Франция (86,9 млн. киши), Испания (81,8 млн. к.), АҚШ (76,9 млн. к.), Хитой (60,7 млн. к.), Италия (58,3 млн.к.) дан кейинги олтинчи ўринда (37,6 млн. к.) туриши мамлакат туризм салоҳиятидан далолатдир. Мазкур мамлакатларнинг халқаро туризмдан кўрган даромади, мос равишда, 69,9 млрд., 68,4 млрд., 251,4 млрд., 32,6 млрд., 44,5 млрд. ва 31,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Аслида Туркияга келган сайёҳлар сони бўйича рекорд кўрсаткич – 39,8 млн. киши 2014 йилга тўғри келади. Бироқ, 2015 йилда содир этилган терактлар туфайли ушбу кўрсаткич 2016 йилда 23,3% га камайиб, 30,3 млн. кишига тушиб қолди. Мутаносиб равишда, туризм соҳаси 2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 12,2 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилда 11,1 фоизга тушди ва 2016 йилда бирмунча кўтарилиб, 11,6 фоизни ташкил этди. Дунё бўйича халқаро туризм жаҳон ЯИМ ининг 12 фоизини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Туркия иқтисодиётида ҳам туризм индустрияси устувор соҳа эканлигига амин бўламиз.

Эрон Ислом Республикаси минтақанинг ноараб мусулмон мамлакатларидан бири ҳисобланади. У ўзининг бой тарихи, меъморий

обидалари, мўтадил иқлими, денгиз соҳиллари ва ўзига хос таомлари билан сайёҳларни ўзига чорлайди. Ўтган асрнинг 70-йилларига қадар туризм Эронда жадал ривожланиб келган. Бироқ, 1979 йилдаги ислом инқилобидан кейин ушбу соҳа инқирозга юз тутди. Шариат талабларига биноан кўплаб таъқиқлар сайёҳлар оқимини кескин қисқартирди. Бундан ташқари, туризм ривожига АҚШ нинг узоқ йиллик иқтисодий санкциялари ҳам салбий таъсир кўрсатди [5]. Бироқ, мазкур муаммоларга қарамай, Эрон йилига 4-5 млн. сайёҳларни, асосан, Туркия, БАА, Саудия Арабистони ва бошқа кўшни давлатлардан қабул қилди. 2017 йил маълумотларига кўра, мамлакатга 4,9 млн. киши ташриф буюриб, туризмдан кўрилган даромад 3,9 млрд. доллар, унинг ЯИМдаги ҳиссаси эса 7,3 фоизни ташкил этган. Ҳозирда сайёҳлик визаси муддати 15 кундан 1 ойгача узайтирилган ва туристларга бошқа кўплаб қулайликлар яратилган [6].

1-жадвал

Халқаро туризм бўйича асосий кўрсаткичлар [7]

| № | Мамлакат | Йиллар | Туристлар сони, млн киши | Даромад, млрд \$ | ЯИМдаги улуши, % |
|----|----------|--------|--------------------------|------------------|------------------|
| 1. | Франция | 2017 | 86,9 | 69,9 | 8,9 |
| 2. | Испания | 2017 | 81,8 | 68,4 | 14,9 |
| 3. | АҚШ | 2017 | 76,9 | 251,4 | 7,7 |
| 4. | Хитой | 2017 | 60,7 | 32,6 | 11,0 |
| 5. | Италия | 2017 | 58,3 | 44,5 | 13,0 |
| 6. | Туркия | 2014 | 39,8 | 38,8 | 12,2 |
| | | 2016 | 30,3 | 26,8 | 11,1 |
| | | 2017 | 37,6 | 31,9 | 11,6 |

| | | | | | |
|-----|--------------------------|------|--------|------|------|
| 7. | Саудия Арабистони | 2017 | 16,1 | 14,8 | 9,4 |
| 8. | БАА | 2017 | 15,8 | 20,0 | 11,3 |
| 9. | Бахрайн | 2017 | 11,4 | 3,8 | 9,7 |
| 10. | Тунис | 2018 | 8,3 | 1,3 | 8,0 |
| 11. | Миср | 2010 | 14,0 | 14,5 | 15,2 |
| | | 2017 | 8,2 | 8,6 | 11,0 |
| 12. | Марокаш | 2017 | 11,35 | 9,09 | 8,3 |
| 13. | Иордания | 2017 | 3,8 | 5,54 | 9,3 |
| 14. | Эрон | 2017 | 4,9 | 3,9 | 7,3 |
| 15. | Ўмон | 2017 | 2,4 | 2,7 | 6,6 |
| 16. | Катар | 2017 | 2,3 | 15,7 | 10,0 |
| 17. | Жазоир | 2017 | 2,2 | 0,2 | 6,8 |
| 18. | Қувайт | 2017 | 0,4 | 0,64 | 0,5 |
| 19. | Яман | 2015 | 0,37 | 0,12 | 5,2 |
| 20. | Ўзбекистон | 2005 | 0,3 | | |
| | | 2017 | 2,7 | 0,8 | 2,8 |
| | (прогноз) | 2025 | 7,0 | 2,0 | |
| | Дунё бўйича (прогноз) | 2020 | 1600,0 | | 12,0 |

Туризм бўйича халқаро ташкилот WTTC маълумотларига кўра, 2024 йилга келиб, Эронда туризм соҳаси мамлакат ЯИМига 8,9 млрд. доллар ҳисса кўшади.

Миср Араб республикаси, Тунис, Марокаш, Иордания ва Бирлашган араб амирликлари (БАА) иқтисодиётида туризм индустрияси етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Умуман олганда, Миср қадимдан етти мўжизанинг бири бўлмиш – эҳромлари билан жаҳонда маълум ва машҳур. Доимий равишда туризм Миср давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳаси сифатида мамлакатга валюта тушумларини таъминлаб берувчи Сувайш каналидан кейинги иккинчи асосий манба ҳисобланади. 2017 йилда мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони – 8,2 млн. киши, ундан келган даромад – 8,6 млрд. доллар ва унинг ЯИМ даги улуши эса 11% ни ташкил этди. Охириги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткич 2014 йилда, мос равишда, 14 млн. киши, 7,9 млрд. доллар ва 9,1% даражасида қайд этилган эди. Бироқ, мамлакатдаги беқарор сиёсий вазият туризм ривожига салбий таъсир ўтказди ва мос равишда, 5,2 млн. киши, 3,3 млрд. доллар ва 7,3% ни ташкил этди [8].

Шу каби «Араб баҳори» туфайли Иордания ҳам 2 млрд. доллардан зиёд талофат кўрди. 2010 йили ушбу мамлакатга 8 млн. сайёҳ ташриф буюриб, 7,6 млрд. доллар фойда келтирган эди. 2017 йилда бу кўрсаткич 3,8 млн. киши ва 5,54 млрд. долларни ташкил этди.

Марокашда туризм жуда яхши ривожланган бўлиб, боиси унинг Шимолий Африкадаги сиёсий жиҳатдан энг барқарор ва тинч мамлакат эканлиги ҳамда Атлантика океани соҳилларида жойлашган мафтункор курортларга эгалигидир. Мамлакат ҳукумати 1985 йилда Туризм вазирлигини таъсис этган бўлиб, ўша даврда йилига 1-1,5 млн. сайёҳ Франция, Испания, Англия, Германия каби Европа мамлакатларидан келар эди. 2008 йилга келиб сайёҳлар сони 8 млн. кишига етди. Шундан 3,8 млн. киши чет элда истиқомат қилувчи марокашликлар ва 20% дан зиёди эса

французлар бўлган ва бундан келган даромад 7,5 млрд. долларни ташкил этган. 2017 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 11,35 млн. киши ва 9,09 млрд. долларни ташкил этди. Мамлакат валюта тушумлари ҳажми бўйича туризм фосфат ўғитлар экспортидан кейинги иккинчи ўринда туради. Мамлакатда «VISIO-2010» туризмни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра яқин келажакда сайёҳлар сонини 10 млн. кишига ва туризмнинг ЯИМ даги улушини 20% га етказиш кўзда тутилган.

Тунисга 2018 йилда жами 8,3 млн. сайёҳ ташриф буюрган ва даромади 1,3 млрд.доллар ва ЯИМ даги улуши эса 8% ни ташкил этди. Шунингдек олиш жоизки, Бардо музейи ва Суссе отелида юз берган терактлардан сўнг, сайёҳлар сони кескин камайиб кетди. Бироқ, ҳукумат томонидан хавфсизлик чоралари кўрилгач, 2017-2018 йиллар давомида сайёҳлар сони яна 23% га ошди.

2018 йилда халқаро туризм Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётига 20 млрд. доллар даромад келтирди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 5% га кўпроқ демакдир. Мазкур мамлакатда туризмнинг шопинг, когнитив, яъни маълумот берувчи ва бошқа кўнгилочар турлари нисбатан кўпроқ ривожланган. Халқаро туризм ташкилоти прогнозига кўра эса 2028 йилда ушбу кўрсаткич 29,5 млрд. долларга етар экан. Ҳозирги кунда бу ерда туризмнинг ЯИМ даги улуши – 11,3% ни ташкил этиб, мазкур соҳада 380 минг киши иш билан банд. 2017 йилда Дубайга ташриф буюрган сайёҳлар сони 15,8 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 20 млн. кишига етиши кутилмоқда.

Форс кўрфазида жойлашган бой араб давлатларидан яна бири – Баҳрайн давлатига 2017 йилда 11,4 млн. сайёҳ келган ва мамлакат бундан 3,836 млрд. доллар даромад кўрган. Бу эса ЯИМ нинг 9,7% га тенг бўлган. Худди шу йили ушбу кўрсаткичлар Қатар давлати бўйича, мос равишда, 2,3 млн. киши, 15,7 млрд. доллар ва 10% ни ташкил этган.

Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида туризм индустрияси ривожигаги тенденциялар таҳлили шундан далолат берадики, минтақа

бўйича, умуман олганда, халқаро туризм нисбатан жадал суръатлар билан ривожланган. Мазкур соҳанинг асосий индикаторлари сифатида олиб қаралган мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар сони, ундан келган даромад ва ушбу даромаднинг ЯИМ даги ҳиссаси минтақа мамлакатларида турлича ўзгарган.

Олиб борилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий вазият тинч мамлакатларда туризм анча барқарор ривожланган ва сайёҳлар сони муттасил ошиб борган. Бироқ, ижтимоий-сиёсий вазият беқарор ва нотинч давлатларда туризм талофат кўрган. Хусусан, Миср Араб Республикаси ва Тунисда рўй берган «араб баҳори» оқибатида сайёҳлар сони кескин камайиб кетган. Шу каби, 2015 йили Туркияда содир этилган терактлар бир йил ичида сайёҳлар сонини, қарийб, чорак бараварга қисқартириб юборди. Аксинча, Баҳрайн, БАА ва Марокаш каби сиёсий барқарор ва тинч мамлакатларда туризм мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ҳозирда ҳам ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда туризм ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йил 28 декабрида Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасига 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда [1].

Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатлари туризм индустриясининг ҳозирги ҳолати ва унинг миллий иқтисодиётларда тутган ўрни ва ролини жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан қиёсий тарзда очиқ беришга қаратилган таҳлилларимиз қуйидаги хулосаларга асос бўлади:

Биринчидан, Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларининг аксариятида (сиёсий нотинч давлатлардан ташқари) туризм индустрияси

жаҳонда мазкур соҳадаги ривожланиш тенденциялари билан ҳамоҳанг равишда ривожланиб бормоқда.

Иккинчидан, Туркия ва Форс кўрфази араб давлатларида эса туризм дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори суръатларда шиддат билан ривожланмоқда.

Учинчидан, туризм индустрияси минтақанинг аксарият давлатларида миллий иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланади ва ЯИМга сезиларли ҳисса қўшади.

Тўртинчидан, ҳукумат томонидан халқаро туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши соҳа ривожига ижобий таъсир ўтказди.

Бешинчидан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, хотиржамлик ва хавфсизлик туризм ривожига учун бирламчи, энг муҳим омил ҳисобланади.

Олтинчидан, Ўзбекистон учун эса туризм индустриясини ривожлантиришда илғор давлатларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. – Тошкент: Маънавият, 2019.

2. Гаагская декларация по туризму (Принята Межпарламентской конференцией по туризму в Гааге (Нидерланды). 14 апреля 1989 г. (URL: <http://www.unwto.org>).

3.Осакская декларация современности (Принята Конференцией лидеров туризма Тысячелетия 30 сентября-1 октября 2001. в г. Осака, Япония). (URL: <http://www.unwto.org>).

4.Жаҳон Саёҳат ва Туризм Кенгаши (инг. World Travel & Tourism Council (WTTC))нинг статистик маълумотлари.

5.40ет под санкциями: как живут в Иране. 5 октября 2019 г. (URL: <https://www.vestifinance.ru/articles/126138>).

6.Iran issues 30-day visas for tourists from 180 countries. Ministry of Foreign Affairs of Iran. February 14, 2016. (URL: <http://realiran.org/irans-foreign-ministry-issues-30-day-visas-for-tourists-from-180-countries/>).

7.knoema.ru сайти маълумотлари асосида тузилган.

8.<https://media.unwto.org/ru/press-release/2011-06-02/turizm-osnovnoi-faktor-vosstanovleniya-ekonomiki-egipta>